

Муҳаммад алайҳиссаломнинг дуолари



17:00 / 29.04.2019 4988

Қуръонда пайғамбарлар дуолари

(давоми)

Қуръонда «**Ва албатта, Сен улкан хулқдасан**» (*Қалам сураси, 4-оят*) деб васф қилинган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кечанинг бир қисмини дуо, зикр ва ибодат билан ўтказар эдилар. Бир оятда бу ҳақда шундай дейилган:

«Албатта, Роббинг сенинг кечанинг учдан бирдан озроғини, ё ярмини, ё учдан бирини қоим бўлиб ўтказаетганингизни ва сен билан бирга бўлганлардан ҳам бир тоифа (шундоқ қилаётганларини) биладир» (*Муззаммил сураси, 20-оят*).

Аллоҳ Қуръоннинг баъзи оятларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қандай дуо қилиш кераклигини ўргатган бўлиб, улар қуйидагилардир:

«Сен «Эй барча мулкнинг эгаси Роббим! Хоҳлаган кишингга мулк берурсан ва хоҳлаган кишингдан мулкни тортиб олурсан. Хоҳлаган кишингни азиз қилурсан, хоҳлаган кишингни хор қилурсан. Барча яхшилик Сенинг қўлингда. Албатта, Сен ҳар бир нарсага қодирсан. Кечани кундузга киритурсан ва кундузни кечага киритурсан, ўликдан тирикни чиқарурсан ва тирикдан ўликни чиқарурсан ҳамда хоҳлаган кишингга беҳисоб ризқ берурсан», деб айт» (Оли Имрон сураси, 26-27-оятлар).

«Менга Аллоҳнинг Ўзи етарли. Ундан ўзга ибодатга сазовор Зот йўқ. Унга таваккал қилдим. У улуғ аршнинг Роббисидир», дегин» (Тавба сураси, 129-оят).

«Сен: «Эй Роббим, Сендан шайтонларнинг васвасасидан паноҳ сўрайман! Эй Роббим, Сендан уларнинг менга ҳозир бўлишларидан паноҳ сўрайман», деб айт» (Муъминун сураси, 97-98-оятлар).

«Сен: «Эй Роббим, мағфират қил, раҳм қил. Ўзинг раҳм қилгувчиларнинг яхшисисан», деб айт» (Муъминун сураси, 118-оят).

«Роббим, улар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин» деб айт» (Исро сураси, 24-оят).

«Эй Роббим, мени кирадиган жойимга содиқлик ила киритиб, чиқадиган жойимга содиқлик билан чиқаргин ва менга Ўз ҳузурингдан ёрдам берувчи қувват ато эт», дегин (Исро сураси, 80-оят).

(тамом)

«Қуръони каримга кўра дуо» китобидан